НОШИР ЛЮКС
МАЖБУРИЙ НУСХА



Fidoyilik – Vatanga xizmat demak!

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshong@umail.uz

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

2020-yil 14-mart, shanba, 34 (23.314)-son

Кун ҳикмати

Катта даврада бировнинг нафсониятига тегадиган гапни айтиш маданиятсизликдир

Аграр соҳада Нидерландия билан ҳамкорлик қиламиз

Самарқанд шаҳридаги ёшлар марказида Нидерландия қироллиги қишлоқ хўжалиги соҳаси вакиллари ва вилоятимиз мутахассислари иштирокида агробизнес-форум ўтказилди.



Унда вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов ҳамда Нидерландия қироллигининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича маслаҳатчиси Меувес Браувер иштирок этди.

- Нидерландия Европада қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш бўйича етакчи давлат ҳисобланади, - дейди вилоят ташқи савдо ва инвестициялар бошқармаси бўлим бошлиғи Жамшид Баротов. – Биз Нидерландия билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, вилоятимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун иссиқхоналар, чорвачилик комплекслари, паррандачиликни ривожлантиришга янги технологиялар олиб келишни режалаштирганмиз. Бу орқали мазкур соҳаларни қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқларига айлантириш мақсад қилинган.

Форумда B2B форматидаги музокаралар ўтказилди. Шунингдек, вилоятимизда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркаси ташкил этилди.

Ҳусан ЭЛТОЕВ.

БОЗОРЛАРДА тартиб бўладими?

Бозорлар аҳоли қайфиятини, турмуш фаровонлигини кўрсатувчи маскан. Бу ердаги савдо маданияти, тозалик ва тартиб байрам арафасида аҳоли кайфиятини белгилайди. Аммо ҳамма бозорларда ҳам тозаликка риоя қилинадими, сотилаётган маҳсулотлар санитария талабларига жавоб берадими? Шу саволларга жавоб излаб Каттақўрғон тумани "Пайшанба деҳқон бозори"да бўлдик.



2 гектардан ортиқ майдонда жойлашган бозорда 500 та савдо ўрни бор, 2 та ветеринария лабораторияси ташкил этилган.

- 2019 йилда ўз маблағимиз ҳисобидан 80 та савдо ўрнига эга бўлган қўшимча раста қурдик, - дейди жамият раиси Ғофур Муродов. – Бозор ҳудудидаги барча йўлакларни бетонлаштирдик, ҳозирда тадбиркорларнинг ўз маблағи ҳисобидан 30 та дўкон қуриляпти.

Бу ерда бошқа бозорларга қараганда тартиб кўзга ташланади, йўлаклар чанг ва лойдан холи, шовқин-сурон деярли йўқ. Аммо бозорнинг асосий кириш қисмидаги хоналар тартибсиз, автомашиналар учун турарғоҳ йўқлиги сабабли бозор олдида тирбандлик кузатилади. Бозорда растадан ташқари ерда савдо қилувчилар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг чиқиндиларини йўлакка ташлаш ҳолатлари ҳам киши таъбини хира қилади. 15-20 нафар қассоб гўшт сотаркан. Уларнинг айтишича, бозорга гўшт келтирган қассоб биринчи куни 19 минг сўм, агар гўштни сота олмаса эртаси куни 10 минг сўмдан чек беради. Лекин бирорта гўшт растасида 10 минг сўмлик чекни кўрмадик. Бозорда 30 та гўшт растаси бўлса-да очиқ ҳолда гўшт сотаётган сотувчилар ҳам бор.

Сотувчилар антисанитария ҳолатида савдо қилишмоқда. Бозорда сотилаётган зиғир ёғининг сифати эса ҳеч қандай текширувдан ўтказилмаган. Маҳсулотлар учун алоҳида расталар тайёрланган бўлса-да, бозорда маҳсулотларнинг аксарияти аралаш ҳолда сотилмоқда. Қандолат маҳсулотлари, ширинликлар ҳам очиқ ҳолда савдога қўйилган.

2-саҳифа »»

Пресс-тур

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси вилоят бошқармаси ҳамда вилоят ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси ҳамкорлигида Пайариқ туманида пресс-тур ўтказилди.

Пайариқда экспортбоп маҳсулотлар етиштириляпти

Пресс-тур иштирокчилари дастлаб тумандаги "Chelak EKO GAZ" масъулияти чекланган жамиятига қарашли иссиқхона фаолияти билан танишди.

- Иссиқхонамиз 50 сотихдан иборат, - дейди жамият раҳбари Мирзоҳид Турсунқулов. – Ўтган йили октябрь-ноябрь ойларида 22 тонна бодринг етиштириб, яхши даромад олдик. 150 туп лимондан ҳам уч йилдан буён мўл ҳосил олляпмиз. Иссиқхонамизда 12 нафар ёшлар иш билан банд.

Туманнинг "Янги ҳаёт" маҳалласида 20 миллиард сўмлик лойиҳа асосида ташкил этилган "NEXT CONSTUKTION" масъулияти чекланган жамиятига қарашли иссиқхонада эса помидор кўчатлари гулга кирган.

Иссиқхонани ташкил этиш учун 16 миллиард сўм кредит маблағи олинган. Тўрт ойда пишиб етиладиган "Пин Парадайс" навли помидор уруғи Японияидан келтирилиб, гидропоника усулида экилган.

- Бу нав бизда йиллар давомида синовдан ўтган, - дейди иссиқхонада фаолият юритаётган кореялик мутахассис Сонг Мион Ги. - Тезпишар ва серҳосил. 4 гектар майдондан 800 тоннадан ортиқ ҳосил олиш мумкин.

Иссиқхонада ҳудудда истиқомат қилувчи 40 га яқин ёшлар ва хотин-қизлар доимий иш билан таъминланган.

Бугунги кунда ички истеъмол бозорини сифатли гўшт, сут ва сут маҳсулотлари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда 2017 йилда туманда "Sutello" чорвачилик комплекси ташкил этилди. 20 дан ортиқ маҳаллий ёшлар фаолият юритаётган комплексда Германиядан 90 бош наслли қорамол, Янги Зеландиядан 20 бош наслли эчки келтириб парваришланмоқда.

Қорамолларнинг ҳар биридан кунига 25-30 литр сут соғиб олинади. Энг муҳими, маҳсулотлар мажмуа қошида ташкил этилган "O'zbegim agro" Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасида қайта ишланиб, халқимиз дастурхонига тортиқ қилиняпти. Бу ерда 25 нафар ёшлар доимий иш билан таъминланган. Асосан сут маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган корхонада бир ойда 30 тоннадан ортиқ 20 турдаги сифатли сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариляпти.

Сулаймон МАРДИЕВ.

Икки ярим ойда "Зарафшон"нинг 33 та сонидан 16 тасини олдим

Таҳририятимизга Пахтачи тумани Жони маҳалласида истиқомат қилувчи Нажмиддин Тоғаев қўнғироқ қилди.

- «Ўзбекистон почтаси» АЖнинг Нарпай тумани Пахтачи филиали орқали "Зарафшон" газетасига обуна бўлган эдим, - деди Н.Тоғаев. - Аммо газетани ўз вақтида етказишмаяпти. Бугунги кунгача газетанинг атиги 16 та сонини почта хизматчилари келтириб беришди. Ваҳоланки, газета ҳафтада уч бор нашр этилади.

Аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, эрта баҳорги экинларни экишда амалий ёрдам кўрсатиш бўйича республика ишчи гуруҳи томонидан Ургут ва Тойлоқ туманларининг айрим маҳаллаларидаги ҳолат ўрганилди.

ТОМОРҚАЛИ ОИЛА камбағал бўлмаслиги керак

Дастлаб Ургут туманининг Қуйи алгар маҳалласида семинар ташкил этилди. Унда тумандаги барча маҳаллалар оқсоқоллари, фуқаролар йиғинлари раисларининг ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосарлари, иссиқхона, қуёнчилик, паррандачилик, кўчатчилик билан шуғулланиб келаётган деҳқонлар ва томорқасидан унумли фойдаланмаётган фуқаролар иштирок этди. Ишчи гуруҳ аъзолари томорқадан унумли фойдаланишда ниманларга эътибор қаратиш лозимлиги, бунинг учун ҳукуматимиз томонидан яратиб берилаётган имкониятлар, ажратиладиган ер майдонлари, имтиёзли кредитлар, томорқа хизмати кўрсатувчи жамиятларнинг вазифалари ҳақида маълумотлар берилди.

- Маҳалла фуқаролар йиғинларидан олинган маълумотларга кўра туманда 8 мингдан ортиқ камбағал оила мавжуд экан, - дейди республика фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси директори Тўлқин Сатторов. - Барчасида деҳқончилик, томорқа билан шуғулланиш имконияти мавжуд. Фақат уларга тўғри йўл ва амалий ёрдам кўрсатиш зарур. Семинарда маҳаллалар раисларининг ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосарларига тегишли топшириқ ва маслаҳатлар берилди. Энди улар маҳаллаларидаги томорқа ер эгаларига яқиндан кўмак беради.

Шундан сўнг ишчи гуруҳ маҳалладаги аҳоли томорқаларининг бугунги ҳолати билан яқиндан танишди. Бундан 30 йил аввал ҳовлисида бунёд этилган 3 сотихли иссиқхонада ҳар йили помидор, бодринг ва кўкатлар етиштириб, шу камгина ердан йилига 4-5 миллион сўм даромад қилаётган Тўрақул Каримов хонадони бошқаларга ибрат қилиб кўрсатилди.

Шу маҳалладаги бошқа бир ҳовлида эса ҳайҳотдек томорқадан самарали фодаланилмаяпти. Мазкур хонадонга шу куннинг ўзида "Ургут томорқа хизмати" масъулияти чекланган жамияти томонидан дарахт кўчатлари ва картошка уруғлари бепул берилди ҳамда корхона техникалари ёрдамида томорқа шудгорланди.

Ишчи гуруҳ аъзолари Тойлоқ туманидаги Адас ва Талли ота маҳалларидаги айрим томорқаларни кўздан кечирди.

- Бу хонадонга Самарқанд тумани Ширинобод маҳалласидан келин бўлиб тушганман, - дейди адаслик Гулнора Қурбонова. – Ота уйимда оилавий томорқачилик билан шуғулланар эдик. Бу ерда ҳам 6 сотихли ҳовлимиздан ҳар йили мўмайгина даромад келади. 1 сотих ерга қулупнай экиб эрта баҳордан кеч кузгача ҳосил оламиз. Ўтган йили биргина қулупнайнинг ўзидан 6 миллион сўм даромад қилдик. Бундан ташқари сабзавот маҳсулотлари, кичик иссиқхоналарда помидор, бодринг кўчатлари етиштирамиз.

Мазкур ҳовлидаги қайнона-келин томонидан тартиб билан бажарилган экин-тикин ишлари бошқаларга намуна сифатида кўрсатилди.

Талли ота маҳалласида яшовчи Саидамир Оқилов томонидан ташкил этилган иссиқхоналардаги карам кўчатлари етилиб бозорга чиқарилган, ўрнига бошқа кўчатлар экилмоқда.

Ишчи гуруҳ аъзолари намунали томорқа эгаларининг ишини юқори баҳолаб, мавжуд томорқадан самарали фойдаланмаётган фуқароларга зарур кўрсатмалар берди.

Тўлқин НАРЗУЛЛАЕВ.

Депутат светофор масаласини ҳал этди

25-Боғдод сайлов округидан халқ депутатлари Самарқанд шаҳар кенгашига сайланган депутат Мўминжон Қурбоновга Боғистон маҳалласи фуқаролари Шота Руставели ва Навоий шоҳ кўчалари кесишмасига светофор ўрнатиш бўйича мурожаат қилган эди. Ушбу мурожаат асосида депутат масалани бориб ўрганди, мутасадди идораларга чиқди ва муаммо ҳал этилди.

– Уч йилдан буён светофор масаласида бормаган идора, мурожаат қилмаган ташкилотимиз қолмади, – дейди Боғистон маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ахтам Маматқулов. – Сайловдан кейинги учрашувда депутат М.Қурбоновга ҳам бу масалада мурожаат қилганимизда, масаламизни ижобий ҳал этишга ваъда берганди. Депутат берган ваъдасининг устидан чиқди – кеча биз сўраган жойда светофор ўрнатилди ва фарзандларимиз йўлни бехавотир кесиб ўтиб мактаб, боғчага бориб келиши учун шароит яратилди.

Ўз мухбиримиз.

Профессор ўқувчиларга маҳорат дарси ўтди

Самарқанд шаҳридаги 3-сон болалар мусиқа ва санъат мактабида Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори Равшан Негматов шогирдлари ҳамда мусиқа мактабининг истеъдодли ўқувчилари томонидан концерт дастури намойиш этилди.

Унда мусиқий асарлар кларнет ва гобой чолғу асбоблари орқали чалинди ва профессор томонидан ижодий таҳлил қилинди.

- Ёшларни мусиқа, санъат ва рассомликка жалб этиш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида санъат дарғоҳи билан ҳамкорликда концерт дастури ҳамда маҳорат дарсларини ташкил этдик, - дейди мусиқа мактаби ўқитувчиси Сарвар Шодмонов. – Вилоятларимизда профессионал санъаткорлар тайёрлаш мактаби йўқ. Аммо истеъдодлар талайгина. Уларнинг маҳоратини баҳолай олиш, дунё саҳналарига олиб чиқиш жуда муҳим.

Концерт дастури давомида Равшан Негматов ўқувчиларга ўз маслаҳатларини берди.

Насиба ЖОНТЎРАЕВА.

Янги Самарқанд:

Осмонўпар бинолар, “IT-Park” ва дам олиш масканлари...



Самарқанд шаҳар Қорасув массивида қисқа вақт ичида янги шаҳарча барпо этилди. Аввалига ҳудудда 5, 7 қаватли бинолар қурилган бўлса, 2019 йилдан 12, 14, 16 қаватли уйлар қад ростлади.

Бу уйлар 3670 хонадонга мўлжалланган бўлиб, жами 47 бинодан иборат. Ҳозирда 18 та кўп қаватли уйда аҳоли истиқомат қилмоқда. Қолган уйлар жорий йилнинг июнь ойигача фойдаланишга топширилади.

9 БАЛЛИ ЗИЛЗИЛАГА БАРДОШ БЕРА ОЛАДИ

Замонавий кўп қаватли уйларнинг аҳолига қулайлиги шундаки, улар 5, 10, 15 йил муддатга ипотека кредити асосида берилмоқда. Ҳар бир хонадонда замонавий иситиш мосламаси, газ плитаси, ошхона мебели бўлиб, уйлар яшаш учун тайёр ҳолда топшириляпти. Ҳар бир подъездда иккитадан лифт ўрнатилган.

- Биз қураётган кўп қаватли уйлар 9 балли зилзилага бардош беради, - дейди бош муҳандис Шодмонхон Атавуллоев. – Ушбу ер 8 балли сейсмик ҳолатда бўлиб, 15 метргача тошдан иборат. Тошли ер 2 балли зилзилани ютади. 9 балли зилзила бўлган тақдирда ҳам бу ерда 7 балли зилзила кузатилади. Уйлар жаҳон стандартларига жавоб бера олади. Яқинда Туркиядан синалган, тажрибадан ўтган 2200 та газосигнализация олиб келдик. Уларни кўчиб келган аҳоли хонадонларига ўрнатиб берамиз.

ИЛК МАРТА ТАЖРИБА СИФАТИДА ҚЎЛЛАНДИ

Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтиш керакки, шу пайтгача Ўзбекистонда бинонинг 9-қаватидан юқорисига газ ўрнатилмаган. Қорасув массивидаги уйларнинг юқори қаватларигача газга мослаштирилди. Ушбу амалиёт илк бор тажриба сифатида қўлланилди.

ТАЖРИБАЛИ ТУРКИЯЛИК ҚУРУВЧИЛАР ЖАЛБ ЭТИЛГАН

Кўп қаватли уйлар қурилишида металл, бетон, газоблокдан фойдаланиляпти. 20 см қалинликдаги газоблок 40 сантиметр қалинликдаги ғиштли девор ўрнини боса олади. Уйларни Эрон, Бирлашган Араб Амирлиги давлатларида баланд, замонавий уйлар қурган тажрибали туркиялик қурувчилар қурмоқда.

Қурилишга 120 нафар турк, 2400 нафар маҳаллий қурувчилар жалб қилинган. Ҳайдовчи, механизатор ва бошқа соҳа ходимлари билан ҳисоблаганда 3 мингдан ортиқ ишчи қурилиш объектида меҳнат қилмоқда. Қурувчилар ўртача 3-3,5 миллион сўмдан ойлик маош олади. Шунингдек, уларга ётоқ жой ҳамда уч маҳал иссиқ овқат ташкил қилинган.

МАКТАБ, БОҒЧА, ПОЛИКЛИНИКА ҲАМ ҚУРИЛЯПТИ

Қурилишга 16 гектар майдон ажратилган бўлиб, 3 гектарига боғ, фаввора, павильон, савдо дўконлари қуриш режалаштирилган. Шунингдек, 1670 ўринли 4 қаватли мактаб қурилиши бошланган. Ушбу мактаб жорий йилнинг сентябрь ойида ишга туширилади. Бундан ташқари, битта 120 ўринли давлат боғчаси, учта 270 ўринли давлат хусусий-шериклик асосида ва тўртта 25 ўринли оилавий болалар боғчаси ҳам қуриляпти.

Массивга кириш йўлида 330 ўринга эга республика тез тиббий ёрдам илмий-амалий марказининг Самарқанд филиали ва 150 ўринли оилавий поликлиника қурилмоқда.

БУ ҲАЛИ ҲАММАСИ ЭМАС...

Массивда яна 47 гектар ер ажратилган бўлиб, 24 қаватли 120 та кўп қаватли уй қурилиши лойиҳалаштирилган. Қурилиш жорий йил март ойи охирида бошланади. Шунингдек, Қорасув массивидан М-37 Самарқанд-Бухоро йўлига туташувчи йўл қурилиши режалаштирилган. Бунинг учун Қорадарё устидан йўлни бирлаштирувчи кўприк қурилади. Дарё бўйида дам олиш масканлари барпо этилади.

Бундан ташқари, Самарқанд шаҳри Гагарин кўчасидан массивгача йўл қуриш режалаштирилган. Бу ҳудуд аҳолисининг қисқа вақтда шаҳар марказига етиб боришларини таъминлайди.

2020 йил якунига қадар ёшлар учун 15 қаватли “IT-PARK” қурилиб, фойдаланишга топширилади.

Хуршида ЭРНАЗАРОВА.

БОЗОРЛАРДА тартиб бўладими?

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

СОТУВЧИ 10 МИНГ ТЎЛАЙДИ, ПАТТАЧИ ЭСА 5 МИНГ СЎМГА ЧЕК БЕРАДИ

Сотувчилар кунлик савдо учун 10 минг сўмдан тўлашларини айтишди, аммо уларга 5 минг сўмлик чек берилган. Қолгани...

Бозор ҳудудидаги 4 та ошхонани кузатдик. Ошхоналарда хавфсизлик талабларига амал қилинмайди, ошпазлар санитария талабларига зид равишда таом тайёрлашяпти. Умуман, овқат тайёрлаб сотиш талаблари бузилган.



- Бизнинг асосий вазифамиз сотувчини жой билан таъминлаш, - дейди бозор раҳбари. – Туман санитария-эпидемиологик осойишталик маркази ходимлари ҳар куни бозорга келиб, тозалик бўйича иш олиб боришмоқда.

Бозор тўкин-сочинликни намоён этиш билан бирга аҳоли савдо истеъмол маданиятини кўрсатувчи маскан ҳамдир. Раҳбар айтганидек бозорга ҳар куни санитария ходими келаётган бўлиши мумкин, аммо тозалик бўлмаса, саломатликка хавфли маҳсулот сотилаверса бундай ходимларнинг келишидан нима наф?

ДЕҲҚОНОБОДНИНГ ДЕҲҚОН БОЗОРИ ҚАЧОН ОБОД БЎЛАДИ?

Ургут тумани Деҳқонобод маҳалласидаги бозорда реконструкция ишлари бошланганига қарийб бир йил бўлди, аммо ҳали бу ишлар охирига етмаган. Автомобиллар турар жойи йўқлиги сабаб ҳайдовчилар машиналарини дуч келган жойга қўйиб кетавериши бозор ёнидаги катта кўчада тирбандликни вужудга келтирмоқда. Озиқ-овқат маҳсулотлари сотилаётган жойлар санитария талабларига жавоб бермайди. Ҳудудда ободонлаштириш ишлари яхши йўлга қўйилмаганини бурчак-бурчакларда чиқиндилар йиғилиб ётганидан ҳам билса бўлади. Бозор ҳудуди ва унинг атрофида умумий овқатланиш жойлари (уларни ошхона, деб бўлмайди) ачинарли аҳволда.



- Бозор маъмурияти икки хонадан иборат кўримсиз бинода фаолият юритарди, - дейди “Деҳқонобод бозори” масъулияти чекланган жамияти раиси Жамшид Эргашев. – Ҳозирги пайтда 6 хонадан иборат замонавий бино қурилди. Ветеринария ва санитария-экспертиза лабораторияси учун алоҳида хона ажратилган. Катта савдо айвони қурилди. Тадбиркорлар томонидан ўзбошимчалик билан қурилган эски 56 та дўкон бузилиб, ўрнига шу пайтга қадар 15 та икки қаватли дўконлар бунёд этилди. Мол бозор учун 2 та айвон ташкил этилди, атрофи девор билан ўралди. Бу қурилиш-таъмирлаш ишларига 210 миллион сўм маблағ сарфланди. Реконструкция ишлари давом этаётгани учун айни пайтда бозоримиз тартибсиз аҳволда. 2021 йилгача бу ишлар якунига етказилиши кўзда тутилган. Натижада 750 савдо ўрнига эга бўлган кўркам бозор вужудга келади.

Бозордаги янги бинода жойлашган лаборатория шароитлари билан танишолмадик. Мудир Зайнобиддин Муродуллаев бозор ҳудудида юрган бўлса-да лабораториянинг эшигини очишни истамади.

Сабабини сўраганимизда у гоҳ калити уйида қолганини, гоҳ кимдир машинасининг калитига қўшиб олиб кетганини, кейинроқ тушириб қўйганини, айтди. Хуллас, турли баҳоналар билан лаборатория эшигини очмади. Айнан шу эшикка жуда яқин, санитария талабларига мутлақо жавоб бермайдиган жойда калла-поча сотилиши, хароба аҳволдаги бинода хўрандалар овқатланаётганини, савдо расталарига яқин жойда итлар юрганини нима билан изоҳлаш мумкин?

Ўктам ХУДОЙБЕРДИЕВ, Тўлқин СИДДИҚОВ, “Зарафшон” мухбирлари.

Талабалар йўл ҳаракати қоидаларидан сабоқ олди

Бугунги кунда Самарқанд шаҳри йўлларида транспорт воситалари анча кўпайди. Бу эса шаҳарда ҳаракатланишда пиёдаларнинг ҳам ҳушёрлигини оширишни талаб қилмоқда. Жумладан, уларнинг йўл ҳаракати қоидалари ва йўл белгиларини яхши билиши, уларга қатъий амал қилиши турли салбий ҳодисаларнинг олдини олишга хизмат қилади.



Шу мақсадда отрядимиз ходимлари билан биргаликда маҳаллалар, корхона ва ташкилотлар, айниқса таълим муассасаларида учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказяпмиз.

Ана шундай тадбирлардан бири Самарқанд ветеринария медицинаси институти талабалари билан ўтказилди.

Унда талабаларга йўл ҳаракати қоидалари, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда пиёдаларнинг ўрни, бунда пиёдалар фақат улар учун мўлжалланган йўлаклардан юриш, автомобиль йўлларини кесиб ўтишда эса светофор чироқларига амал қилиш лозимлиги каби мавзуларда тушунчалар берилди.

Шерзод ХОЛИҚОВ, вилоят ИИБ йўл-патруль хизмати бошқармаси 2-ЙПХ отряди командири, катта лейтенант.



- Самарқанд туманида қарийб 250 минг аҳоли истиқомат қилади, - дейди туман санитария-эпидемиология осойишталик маркази раҳбари О.Бойқобилов. - Ўтган йиллар давомида туманда дезинтерия, буғма, кўкйўтал, қуйдирги, вирусли гепатит каби 20 га яқин хасталиклар камайди. Зарафшон дарёси суви, эшкак эшиш ҳавзаси суви ҳам доим таҳлилдан ўтказилади ва зарур чора-тадбирлар белгиланади.

Марказ врачлари томонидан тумандаги, мактаб, боғча ижтимоий муассасаларда санитария масалалари бўйича суҳбатлар ўтказилмоқда.

Тоҳир НОРҚУЛОВ олган суратлар.

КОРОНАВИРУС га қарши зарур чоралар кўрилмоқда

Хабарингиз бор, Хитойнинг Ухань шаҳрида бошланган коронавирус айни пайтда 100 дан зиёд мамлакатда қайд этилган. Жанубий Корея, Япония, Италия ва Эронда вируснинг авж олиши кузатилмоқда. Охирги маълумотларга кўра, бугунга қадар вирусдан 4,5 мингдан ортиқ киши вафот этди, 68 минг киши касалликни енгди.



Ўзбекистонда ушбу вирус қайд этилгани йўқ. Ижтимоий тармоқларда мамлакатимизнинг у ёки бу шаҳрида хасталик аниқлангани ҳақида асоссиз хабарлар тарқалмоқда. Унинг олдини олиш учун фуқароларнинг ўз саломатлигига эътиборли бўлишларини сўраган ҳолда бу масалада санитария-эпидемиология осойишталик маркази томонидан қатор ишлар олиб борилаётганини таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Самарқанд халқаро аэропорти, Жартепа санитар-назорат пункти орқали ўтаётган барча йўловчилар текширувдан ўтказилмоқда. Юқумли касалликларга гумон қилинган беморлар аниқланмаган.

Бундан ташқари, соғлиқни сақлаш ва вилоят санитария-эпидемиологик осойишталик маркази мутахассисларидан иборат 4 та тезкор мобил бригадалар ташкил этилиб, шай ҳолатга келтирилган. Вилоят санитария-эпидемиологик осойишталик маркази вирусология лабораторияси ЎРВИ ва грипп касалликларининг 11 турига текшириш учун диагностикумлар билан таъминланган.

Шунингдек, марказ томонидан Самарқанд шаҳри йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланадиган ташкилот ва автотранспортларда, Хитой Халқ Республикасидан қайтган 102 нафар фуқароларнинг хонадонларида, таълим муассасаларида дезинфекция ишлари олиб борилди. Самарқанд шаҳридаги мавжуд бозорларнинг барчасида, туристик объектлар, меҳмонхона, ётоқхона ҳамда ресторан, умумий овқатланиш шохобчаларида ҳам профилактик дезинфекция тадбирлари ўтказилди.

Самарқандда коронавирус инфекциясининг четдан кириб келиши ва олдини олиш бўйича профилактик дезинфекция тадбирларини ўтказиш ишлари давом этмоқда.

К.САЪДУЛЛАЕВ, вилоят санитария-эпидемиологик осойишталик маркази бўлим мудири.

Ҳалвойида маърифат тарқатган соатсоз

Тарихда Самарқандий тахаллусида ижод қилган, дунёга машҳур юзлаб кишилар яшаган. Ана шундай олимлардан бири, маърифатпарвар шоир, таржимон Саидаҳмад Ҳасанхўжа ўғли Сиддиқий-Ажзий Самарқандийдир.



Маълумотларга кўра, Сиддиқий-Ажзийнинг ота-боболари туркистонлик бўлиб, темурийзода Абу Саид замонида, XV асрда Самарқанд (ҳозирги Жомбой тумани-даги Ҳалвойи қишлоғи)га кўчиб келган.

XIX аср адабиётини ўрганишда муҳим манба ҳисобланган «Тазкират-уш шуаро» асарида шоир Ажзий ҳақида қуйидаги фикрлар ёзилган: "Ажзий заковат эгаси, фаҳму идроклилар сараси, хушмандлиғ равишининг ифодачиси, хирадмандлик истакларининг билимдони Ҳожи Саидаҳмадхўжа Самарқандийнинг тахаллусидирким, (ул зот) табъи дарахтининг меваси (ҳамиша) қанддек тотлиғ эрур ҳамда одамлар димоғи (анинг шеърлари атридан (доимо) муаттардир".

Саидаҳмад 5 ёшга киргани-да отаси Ҳасанхўжа вафот этади. Онаси уни соатсоз уста Абдулқаюмга шогирдликка беради. Табиатан тиришқоқ бўлган Саидаҳмад соатсозлик ҳунарини пухта ўрганиб олади. Оила тебратиш учун тўқувчилик, заргарлик, соатсозлик билан шуғулланади. Шу йилларда у Самарқанд мадрасаларида ўқишни ҳам давом эттиради. Кейинчалик Бухоро мадрасасида ўқийди, аммо йўқчилик туфайли мадрасани тугата олмайди.

Адабиётшунос Вадуд Маҳмуд Сиддиқий-Ажзий ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Бошлаб Сиддиқий яхши техникдур: соат ва турли мошиналарни тузатмоқ ишига моҳирдур... Мусиқа билан ҳам анча шуғулланган-дур. Ўз тилидан бошқа араб, форс, рус тилларини билур... Самарқанд жадидларининг бошида Беҳбудий, Сиддиқий ва жадид мактабининг муаллимларидан Шакурий ўлароқ расман такфир этишларига сабаб бўлғондур».

Сиддиқий-Ажзий 1890 йилларнинг охирида муборак ҳаж сафарига отланади. Осиё ва Европанинг саноати тараққий этган шаҳарларида бўлади. У қаерда бўлмасин, таълим-тарбия, маориф тизими билан танишади. Турк, араб, форс, рус тилларини анча мукаммал билган Саидаҳмад бир муддат Жидда шаҳрида Русиянинг консулхонасида таржимон бўлиб хизмат қилади. У уч йиллик саёҳати давомида Русиянинг марказий шаҳарларида истиқомат қилади. Бир муддат Грузиянинг Тифлис шаҳрида яшайди.

Сиддиқий-Ажзий 1901 йилда Самарқандга қайтади. У отасидан қолган боғни сотиб, пишиқ ғиштдан Европа усулида махсус мактаб учун бино қурдиради. Бу жадид педагоглари томонидан очилган мактаб учун биринчи оврупоча бино эди. Бу мактаб Ҳалвойи қишлоғи ва унинг атрофидаги ўндан ортиқ қишлоқлар учун маърифат маскани вазифасини бажариб келган.

Ўша пайтда мактабнинг довруғи нафақат Самарқанд вилоятига, балки бутун Туркистон ўлкасига ёйилган. Мактабни кўргани, ундан ўрнак олгани узоқ-яқин жойлардан муаллимлар келган. Мактабнинг ҳаммани ҳайратга солган яна бир хусусияти шунда эдики, синфда ўзбек, тожик болалари билан бирга рус болалари ҳам ўқиган. Рус тилини ўқитиш ҳам яхши йўлга қўйилган эди. Мутафаккир умрининг сўнгги 25 йилида шу мактабда ўқитувчилик қилади.

Шунингдек, ўша даврда бундай мактаблар учун дарсликлар, болаларбоп китоблар яратишдек долзарб масалалар кун тартибига қўйилган эди. Шунинг учун Маҳмудхўжа Беҳбудий, Сиддиқий-Ажзий, Абдуқодир Шакурий, Ҳожи Муин, Саид Ризо Ализода каби педагоглар ҳамкорлигида мактаб дарсликлари ва қўлланмалари яратилади.

Сиддиқий-Ажзий миллатнинг ишқи, дарди билан яшаган шоир ҳам эди. У ўзининг «Миръоти ибрат» асарида хаёлий мамлакатларга сафар қилади. Ўз орзусидаги Самарқандни чизиб беради. У озод, обод, фаровон, илм-фан самараларидан музайян эди.

Набижон ҲАҚҚУЛОВ,
СамДЧТИ таянч докторанти.

✓ *Эъзоз*

Сиз билан фахрланамиз

Қадрли Абдиқодир Алланазаров!

Сизни азиз умрингизнинг олтмишинчи баҳорини қарши олаётганингизни эшитиб, қалбимиз фахр ва ғурурга тўлди.



Сиз ғоят ибратли ва ҳамма ҳавас қиладиган машаққатли ва шарафли касбни ардоқлаб, чинакам тарбиячи-педагогга хос хислатларингизни намоён этиб келмоқдасиз.

Олис Қўшработнинг Қорачакия қишлоғида туғилдингиз, 1977 йилда СамДУ механика-математика факультетига ўқишга кирдингиз. Уни аъло баҳоларда битириб, ўзингиз ўқиган 35-мактабда ўқитувчилик қилдингиз. Кейинчалик тумандаги 29-мактабда директор ўринбосари, Жомбойдаги 2-мактабда ўқитувчи, вилоят халқ таълими бошқармаси таълим марказида услубчи, бошқармада етакчи мутахассис, бўлим бошлиғи бўлиб ишлаганингизда педагогик ва раҳбарлик салоҳиятингиз янги қирраларини намоён этди.

Бу фазилат айниқса, бошқарма тасарруфидаги 64-сон махсус мактаб-интернат, 59-кўзи ожиз болалар учун ихтисослашган махсус мактаб-интернатда директор бўлиб ишлаганингизда Сизга катта обрў келтирди. Касбга бўлган садоқат, ёшлар тарбиясига эътибор катта ҳаётий тажриба, таълимга инновацион технологияларни жорий этишдаги новаторлик ҳозирда сиз директорлик қилаётган Самарқанд шаҳридаги 15-умумий ўрта таълим мактабида ҳам ибрат бўлмоқда.

Биз сизни оилапарвар инсон, садоқатли дўст, ҳар қандай шароитда ҳам тўғрисўз, адолатни қадрловчи, ўзгалар фикрини ҳурмат қилувчи, зукко раҳбар, ташкилотчи, ташаббускор, одамларни ўз ортидан эргаштира оладиган фаол киши сифатида биламиз. Бу юксак инсоний фазилатларни умр йўлдошингиз Тамара ая, ўғил-қизларингиз, невараларингизда ҳам кўриб фахрланамиз.

Абдиқодир Алланазаров!

Олтмиш ёшингиз муборак бўлсин.

Ҳурмат ва эҳтиром билан қадрдон дўстларингиз.

✓ *Тарихий-ҳуқуқий тадқиқот*

Темурийлар ва ўзбек давлатчилиги тарихи



Соҳибқирон Амир Темур даври давлатчилик ва ҳуқуқ, илм-фан, маданиятини тадқиқ этишга катта эътибор берилмоқда. Юридик фанлари номзоди, доцент Зиёдулла Муқимовнинг яқинда «Наврўз» нашриётида чоп этилган «Амир Темур ҳамда темурийлар давлати ва ҳуқуқи» китоби ана шундай муҳим тадқиқотлардан бири бўлди.

Тадқиқот Марказий Осиё доирасида қарийб 150 йилга яқин фаолият кўрсатган Соҳибқирон Амир Темур ҳамда темурийлар салтанати ва ҳуқуқини давлат ва ҳуқуқ тарихи нуқтаи назаридан ўрганиш сари ташланган муҳим қадамдир. Китобда олим Амир Темурнинг ҳокимият тепасига келиши, марказлашган йирик давлатнинг ташкил топиши, давлат бошлиғи, бошқарувнинг марказий ва маҳаллий органлари, ҳуқуқ манбалари – қонунчилик, суд тизими, солиқ ва ҳарбий тизим масалаларини чуқур тадқиқ этган. Темурийлар тарихини ўрганиш жараёнида муаллиф ўша даврнинг ижтимоий-сиёсий ўзгаришлари, давлат тузилмалари, уларнинг фаолияти ҳамда ўзбек давлатчилигида тутган ўрнини биринчи манбалар, мумтоз тарихий асарларни тадқиқ этиш билан холис ёритган.

Китобда «Темур тузуклари» ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан тадқиқ қилинади. Тузукларга кўра, ижтимоий-сиёсий тузум, давлатни бошқариш асосий қоидалари, мулк, меҳнат, солиқ, ҳарбий ва жиноят ҳамда судья ҳуқуқига оид тартиб-қоидалар изчил баён қилинган.

Китоб Ўзбекистон тарихи, давлатчилиги ва ҳуқуқи тарихи билан қизиқувчи талабалар, тадқиқотчилар, шунингдек, темурийлар даври тарихига қизиққан китобхонларга муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Т.МУРОД.

"Эзгулик албатта қайтади"

Вилоят қон қуйиш маркази ташаббуси билан Самарқанд давлат университетида ушбу акция доирасида қатор тадбирлар ташкил этилди.

Унда марказ врач ва мутахассислари мамлакатимизда ҳар куни минглаб беморлар донор қонига муҳтож бўлиши, донорлик эса уларга ёрдам беришнинг, инсонларга яхшилик қилишнинг оддий усули экани, бу беғараз ёрдам муҳитини кучайтириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан эканлигини таъкидлашди.

Тадбирлар давомида талабалар тиббий кўрикдан ўтказилди. Шунингдек, 30 нафардан зиёд талаба ихтиёрий равишда беморлар учун беғараз қон топширди.

Зарифа ҚАЮМОВА.

ШУ ОЙДА ТАВАЛЛУД ТОПГАНЛАР

14 март

Барот БОЙҚОБИЛОВ – (1937-2006) Ургут туманида туғилган. Ўзбекистон халқ шоири, Навоий номидаги республика давлат мукофоти лауреати

15 март

Ўткир РАҲМАТ – 1948 йилда Тойлоқ тумани Узун қишлоғида туғилган. Иқтидорли шоир ва журналист.

Ботир УСМОНОВ – 1984 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси. «Ўзбекистон ифтихори» кўкрак нишони соҳиби.

REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Газетамиз ҳафтада уч марта – сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чоп этилади / Газетада чоп этилаётган реклама ва эълонлар тезкор, самарали ва ҳамёнбоп / МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: (0366) 233-91-56

ТАНЛОВДА ҚАТНАШИНГ!

Муҳаммад Ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали қуйидаги кафедралар бўйича бўш лавозимларга танлов эълон қилади:

Компьютер инжиниринги факультети бўйича:

Ахборот технологиялари кафедрасига:

Ассистент - 1 ўрин.

Дастурий инжиниринг кафедрасига:

Ассистент - 1 ўрин.

Табиий фанлар кафедрасига:

Профессор - 1 ўрин;

Катта ўқитувчи - 1 ўрин.

Телекоммуникация технологиялари ва касб таълими факультети бўйича:

Ахборот хавфсизлиги кафедрасига:

Ассистент - 1 ўрин.

Ахборот таълим технологиялари кафедрасига:

Доцент - 1 ўрин;

Катта ўқитувчи - 1 ўрин.

Ассистент - 1 ўрин.

Телекоммуникация инжиниринги кафедрасига:

Доцент - 1 ўрин;

Катта ўқитувчи - 1 ўрин;

Ассистент - 1 ўрин.

Тиллар кафедрасига:

Ассистент - 1 ўрин.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- филиал директори номига ариза;

- ходимлар ҳисоби бўйича шахсий варақа;

- олий маълумоти, илмий даражаси ҳақидаги дипломларнинг нусхалари;

- илмий унвони ҳақидаги аттестат нусхаси;

- илмий ва услубий ишларининг рўйхати.

Мурожаат учун манзил: Самарқанд шаҳри Шоҳрух Мирзо кўчаси, 47-"А" уй.

"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI"

масъулияти чекланган жамияти Самарқанд вилоят филиали бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдосига акциядорлик тижорат «Микрокредит банк» Самарқанд вилоят минтақавий филиалининг 2020 йил 11 мартдаги 04-06/616-сонли буюртманомасига асосан Пайариқ тумани Гўзал маҳалласи, Пайариқ 50 йиллиги кўчаси, 13-уйда жойлашган, умумий майдони 640,21 м.кв., литер 0001 – **маъмурий бино** (қурилиш ости майдони 221,06 м.кв., фойдали майдони, 16 та хона 426,13 м.кв.), литер 0002 – **меҳмонхона биноси** (қурилиш ости майдони 25,81 м.кв., фойдали майдони, 3 та хона 19,44 м.кв.), литер 0003 - **гараж биноси** (қурилиш ости майдони 83,0 м.кв., фойдали майдони, 2 та хона 66,0 м.кв.), литер 0004 - **ҳожатхона биноси** (қурилиш ости майдони 5,06 м.кв., фойдали майдони, 2 та хона 2,72 м.кв.) 321 231 000 сўм бошланғич баҳода қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2020 йил 15 апрель куни соат 11:00 да Самарқанд шаҳри Маҳмуд Кошғарий кўчаси, 58-уй манзилида бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган мулк билан сотувчи вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишингиз мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти).

Аукцион савдоси 2020 йил 15 апрель куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2020 йил 27 апрель ва 11 май кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдодан бир кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Самарқанд вилоят филиалининг АТИБ "Ипотека банк" Кўксарой филиалидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000604920609025, МФО: 00262, СТИР: 207122519.

Савдода иштирок этиш учун талабномалар қабул қилинадиган манзил: Самарқанд шаҳри Маҳмуд Кошғарий кўчаси, 58-уй, 2-қават, 205-хона. Телефон/факс: (66) 233-80-11. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.1kms.uz.

Хизматлар лицензияланган.

ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2019 йил 11 ноябрда 776081 реестр рақами билан рўйхатга олинган "SMS 99 TRANS" масъулияти чекланган жамияти (қисқартирилган номи: "SMS 99 TRANS" МЧЖ) жамият ягона таъсисчисининг 2020 йил 13 мартдаги 1-сонли қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Бедил кўчаси, 14-уй.

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 306827373.

* * *

Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2019 йил 1 майда 717969 реестр рақами билан рўйхатга олинган "DILSHOD ALIASQARJON BARAKA" масъулияти чекланган жамияти (қисқартирилган номи: "DILSHOD ALIASQARJON BARAKA" МЧЖ) жамият ягона таъсисчисининг 2020 йил 13 мартдаги 1-сонли қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Нарпай кўчаси, 1-уй.

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 306382462.

* * *

Паст Дарғом туман 1-сон давлат нотариал идорасида марҳум Нарзикулов Суюнга (2000 йил 19 майда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Паст Дарғом туман 1-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Паст Дарғом тумани Жума шаҳри, Нодирабегим кўчаси.

* * *

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Самарқанд шаҳридаги 31-умумий ўрта таълим мактабидан 2006 йилда Жабборова (ҳозирда Каримова) Махбуба Шарифовна номига берилган U № 1862540 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Иштихон туманидаги 71-умумий ўрта таълим мактабидан 2013 йилда Мўминов Азамат Абдухалил ўғли номига берилган U № 5918870 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий методик таъминлаш ва малакасини ошириш маркази Самарқанд филиалидан 2020 йилда Расулов Ойбек Абдиахатович номига берилган № 002311 рақамли қайта тайёрлаш курсидан ўтганлиги тўғрисидаги сертификат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий методик таъминлаш ва малакасини ошириш маркази Самарқанд филиалидан 2020 йилда Ризаев Тохиржон Асроркулович номига берилган № 002312 рақамли қайта тайёрлаш курсидан ўтганлиги тўғрисидаги сертификат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги 14-ўрта мактабдан 1989 йилда Мамадалиева Шоира Мамадалиевна номига берилган Д № 904537 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежидан 2007 йилда Бойназаров Сохиб Жуманазарович номига берилган рўйхат рақами 157, К № 658966 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Жўш қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежидан 2001 йилда Қипчақова Севара Ахмадовна номига берилган рўйхат рақами 87, 241009 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Маҳмудхўжа Беҳбудий номидаги Самарқанд вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтидан 2006 йилда Усмони Дилшода Аминжонзода номига берилган рўйхат рақами 149, А № 002239 рақамли сертификат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"Ипак йўли" туризм халқаро университети маъмурияти университет бош муҳандиси **Нурилло РАҲМАТОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

"САМАРҚАНД ҲУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

юртимиз аҳли ва меҳмонларини эзгулик, меҳр-оқибат, саховат ва мурувват айёми –

Наврўз

байрами билан табриклайди!



Бахту иқбол, сиҳат-саломатлик ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин!

Хизматлар лицензияланган.

Акциядорлик тижорат

XalqBanki

Самарқанд вилоят филиали

барчангизни халқимизнинг миллий байрами

Наврўзи олам

билан самимий қутлайди.

Жаннатмакон юртимиз равнақи йўлидаги ишларингизга мувафаққият тилаймиз.



Хизматлар лицензияланган.

ВИЛОЯТ СТОМАТОЛОГИЯ ПОЛИКЛИНИКАСИ ЖАМОАСИ

вилоятимиз аҳлини қадриятларимизни ўзида жам қилган

Наврўз айёми

билан самимий қутлайди.



Ушбу ёруғ кунларда Сизларга бахт ва омад ёр бўлишини тилаймиз.

Хизматлар лицензияланган.

"ИПАК ЙЎЛИ"

акциядорлик инновация тижорат банки Самарқанд филиали жамоаси

BANK IPAK YO'LI

барча юртдошларимиз ва банк мижозларини

Наврўз

билан табриклайди.

Эзгу ниятлар билан бошлаган ҳар бир ишингиз хайрли бўлсин



Хизматлар лицензияланган.

Zarafshon
Самаркандский вестник

© МУАССИСЛАР: халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлиги

Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2012 йил 30 мартда 09-01 рақам билан рўйхатга олинган. Нашр 100. Индекс 438. 14 475 нусхада чоп этилди. Буюртма 197

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.



Ҳажми 2 босма табоқ, бичими А-2

КАБУЛХОНА: 233-91-51. ХАТЛАР ВА МУРОЖААТЛАР: 233-91-53.
БЎЛИМЛАР: 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61.
РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 233-91-56.

МАНЗИЛИМИЗ: 140100, Самарқанд шаҳри, Улуғ Турсунов кўчаси, 80-уй, Матбуот уйи.

Газета "Зарафшон" таҳририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди. "Ношир люкс" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй.
Босишга топшириш вақти: соат 18:30 да. Босишга топширилди: соат 19:00 да.

Навбатчи муҳаррир: А.ҲАЙДАРОВ.
Навбатчи: Д.ТЎХТАЕВ.
Саҳифаловчи: Б.АБДУЛЛАЕВ.

Сотувда нархи келишилган ҳолда

ISSN-201667X